

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик

Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжонова
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафаевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор
Тошкент халқаро Кимё университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

1. Адилов Аброр Анварович СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ	4
2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	20
3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ	34
4. Замонов Акбар Тургинович ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	45
5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI	60
6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI	70
7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА	79
8. Рахманова Одинахон Равшанбековна САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА	93
9. Сиддиков Равшан Бердимуратович ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	101
10. Примов Мухиддин Омонович ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР	118
11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI	135
12. Hakimova Saida Baxtiyorovna O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA	150
13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYONAT	156
14. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	162

Сиддиков Р.Б.

т.ф.н., доцент

Ўзбекистон Миллий университети

ravsidd@mail.ru

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дунёга кенг тарқалган глобаллашув жараёнининг олий таълимга кўрсатган таъсири ва олий таълим маконидаги халқаролашув ҳамда глобаллашувни бориши, муаммолари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек олий таълимни глобаллашувини ўзига хос жиҳатлари, зиддиятлари хорижий тадқиқотчилар асарларига таянган ҳолда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: глобаллашув, олий таълим, стандартлаш, зиддиятлар, тенгсизлик, тижоратлашув, трансмиллий таълим, провайдерлар.

Сиддиков Р.Б.

к.и.н., доцент

Национальный университет Узбекистана

ravsidd@mail.ru

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается влияние процесса глобализации, которая охватила весь мир и оказала влияние на процесс интернационализации и глобализации сферы высшего образования. В статье также, опираясь на анализ работ зарубежных исследователей, были проанализированы особенности и противоречия глобализации высшего образования.

Ключевые слова: глобализация, высшее образование, стандартизация, противоречия, неравенство, коммерциализация, транснациональное образование, провайдеры.

Siddikov R.B.

PhD., Associate professor

National university of Uzbekistan

ravsidd@mail.ru

SCIENTIFIC AND THEORETICAL ASPECTS OF STUDYING THE HISTORY OF GLOBALIZATION OF HIGHER EDUCATION

ABSTRACT

This article examines the impact of the globalization process, which has swept the whole world and has influenced the process of internationalization and globalization in the field of higher education. The article also analyzed the features and contradictions of the globalization of higher education based on the work of foreign researchers.

Key words: globalization, higher education, standardization, contradictions, inequality, commercialization, transnational education, providers.

КИРИШ

Глобаллашув жараёни ҳозирги вақтда жаҳон тамаддуни ривожланишининг энг муҳим тенденцияси бўлиб бу жараён сўнгги ўн йилликларда жадал ва кенг ёйилиб бормоқда. Глобаллашув барча соҳаларда ўзини намоён қилди: меҳнат, капитал, технология, товарлар, ресурслар ва хизматлар бозорини ҳам қамраб олди ва ҳозирги кунда ишчи кучи ва касб-хунар таълими сифатига энг қатъий экстерриториал талабларни қўймоқда ва муқаррар равишда глобал умумжаҳон таълим стандартларини жорий қилинишини талаб қилмоқда. Бундай шароитда аҳолининг юқори билим даражаси энди нафақат мамлакатнинг обрў-эътибори, маданий-интеллектуал тараққиёти белгиси ва “сара” ривожланган жамият иштирокчиси деб хис қилиш имконини бериб қолмасдан, шунингдек давлатни инновациялар асосида тараққий этиши ҳамда иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш омилидир.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни дастлабки йилларидан бошлаб таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган даражани сақлаб қолишга ва ривожлантиришга катта эътибор қаратди ва 1992 йилда илк бор таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Ўзбекистон 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни ҳаётга жорий қилиб МДХ да таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида тизимли ислохотларни бошлаган биринчи давлат бўлди[1]. Дунёда глобаллашув жараёнларининг барча жабҳаларга кириб бориши ва барча соҳаларда рақобатни кучайиши таълим маконига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, натижада 1999 йилда Европа Иттифоқи миллий таълим тизимларини модернизация қилиш ҳамда ягона Европа олий таълим маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш ва уйғунлаштиришга қаратилган Болония жараёни бошланди. Ягона Европа олий таълим маконига биринчилар қаторида постсовет Болтиқбўйи давлатлари, 2003 йилда Россия федерацияси, 2005 йилда Украина, Арманистон, Озёрбайджон, Грузия, Молдова, 2010 йилда Қозағистон ва 2015 йил Беларусь қўшилди. Ўтган давр мобайнида юқоридаги давлатлар олий таълими Европа таълим маконига интеграциялашуви борасида маълум тажриба ортирилди.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида бир томондан, замонавий узлуксиз таълим тизими шакллантирилиб мамлакат олий таълим тизими глобаллашув жараёнларига янада тайёр ва жаҳон стандартларига мослаштирилган ҳолда кириб борган бўлсада, олий таълим соҳаси объектив ва субъектив сабабларга кўра глобаллашув талабларига тўлиқ мослаша олмади. Ўзбекистон миллий таълим тизимининг модернизация қилишни жадал суръатлари уни ягона Европа олий таълим маконига интеграциялашуви учун қулай шароит яратган бўлишига қарамасдан дастлабки таълим ислохотлари даврида таълимни барча бўғинларида илғор ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда чуқур ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилмади. Замонавий

олий таълимга мос бўлган жиҳатлар яъни, уни халқаролашуви, молиявий ва академик эркинлик, нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш, олий ўқув юр்தларини илғор ахборот технологиялари билан жиғозлаш ҳамда масофавий таълимни ривожлантириш, уларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими олий таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган етарлича шароитлар яратилмади. Натижада глобаллашув даврида дунё таълим маконида юз берган ўзгаришлар ва талаблар ҳамда тенденцияларга Ўзбекистонда етарлича эътибор берилмади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга оширалаётганда ҳамда бу соҳада халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жаҳон таълим маконига интеграция жараёнларини янада фаоллаштиришда, мамлакат таълим тизимининг замон талабларига мувофиқлиги даражасини аниқлаш ва глобаллашувни унга кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади[2].

Дунё миқёсида глобаллашув жараёнларини ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга кўрсатаётган таъсирини ўрганишга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда ва барча соҳа вакиллариини ўзига жалб қилган. Глобаллашув даври жаҳон таълим маконига, олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига янги тенденциялар билан таъсир кўрсатмоқда. Айниқса ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни жадал ривожланиб бораётгани ва уни асосини ташкил қиладиган билимга асосланган иқтисодиётни қарор топиши билим ва инновацияларнинг асосий ишлаб чиқариш омили ва бойлик манбаи сифатида хизмат қилувчи иқтисодий тизимни шаклланишига олиб келди. Бу турдаги иқтисодиётда билим, тадқиқотлар, технологиялар ва инсон капитали асосий ресурс ҳисобланади. Агар билимга асосланган иқтисодиётни хусусиятлари ва таркибий қисмларига эътибор қаратсак таълим ва инсон капитали яъни юқори малакали кадрлар ва доимий равишда билимни янгилаб туриш иқтисодий

Ўсишнинг асосий омили ҳисобланади. Шунингдек таълим ислоҳотлари, янги технологиялар ва инновациялар яратиш ҳамда жорий қилиш билимга асосланган иқтисодий муҳим жиҳатларидан бири. Бу соҳада илмий тадқиқот институтлари, университетлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда юқоридаги омиллар бевосита замон талабига мос таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласини ўта долзарб қилиб қўйди.

Глобаллашув жараёнларини таълим маконида кенгайтириб бориши ва барча давлатларда уни олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўяётган талаблари, ҳозирги кунда ижтимоий гуманитар фанлар вакиллари томонидан синчковлик билан тадқиқ этилмоқда. Айни пайтда бу масалада глобаллашувни олий таълимга кўрсатаётган таъсирга бўлган муносабат хилма-хиллиги билан фарқ қилиб қолмай балки, шу билан бирга қарама-қарши ёндошувлар ўртасида мунозаралар ва тортишувларга сабаб бўлмоқда. Шунини инобатга олиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган олий таълим соҳасидаги ислоҳотларни қай даражада жаҳон таълим маконидаги тенденциялар ва ўзгаришларга мос эканлиги ҳамда уни ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мақсадида глобаллашувни назарий-концептуал масалаларини қиёсий тизимли таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадқиқотни ўтказиш бугунги кунда ҳамда узоқ муддатли истиқболда ҳам Ўзбекистонда олий таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегияси ва тактикасини замон талабларига мослаштириш имконини беради.

Илмий адабиётлар таҳлили глобаллашув шароитида Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилиш жараёни миллий тарихшуносликда ҳали етарлича ўз аксини топмаганлигини кўрсатади. Чунки илмий тадқиқотларни аксарияти мустақиликгача бўлган даврга бағишланган. Ўзбекистонда олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш ўз тараққиётининг барча босқичларида А. Валиев, С. Содиқов, Ф. Насреддинов, Ф. Шарипов, С. Пулатов каби олимларнинг диққат марказида бўлган[3]. Совет даврида нашр этилган

асарлар, шубҳасиз, тоталитар мафкуранинг деформацион таъсиридан қочиб қутула олмади. Шунга қарамай, улар замонавий тадқиқотчилар учун алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки улар таълимни ислоҳ қилишнинг объектив омиллари ва бошланғич шартларини тушунишга ва ушбу соҳада тўпланган салоҳиятни баҳолашга имкон беради.

Мустақилик шарофати билан Ўзбекистонда олий таълимнинг ривожланишини объектив ўрганиш учун қулай вазият яратилди. Натижада, бу йўналишда маълум тадқиқотлар амалга оширилди. М. Саидов, Р. Ахлиддинов, Н. Кувватов, Л. Аллаев, Д. Васиева, Ш. Қурбонов, Е. Сеитҳалилов ва бошқалар узлуксиз таълим миллий тизимини шакллантиришнинг долзарб муаммолари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёни, мустақил Ўзбекистоннинг замон талабига мос ёш кадрларни янги авлодини шакллантириш ва тарбиялаш масалаларини ўз тадқиқотларида акс этирганлар[4].

XXI аср глобаллашув билан боғлиқ янги тенденциялар билан бирга янги муаммоларни олий таълим соҳасига кириб келишига олиб келди. Ушбу жараён бутун дунёдаги университетларга таъсир қилиб кўплаб университетлар учун глобал таълим маконига иштирокчи ва тўлақонли шерик сифатида кириш вазифасини энг муҳимларидан бирига айлантирди. Постсовет ҳудудидаги олий ўқув юртлари ҳам глобаллашув тенденцияларини ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда ва таълим маконидаги интеграцион жараёнда иштирок этиб улар турли даражадаги муваффақиятларга эришмоқда. Шу билан бирга, олий таълимнинг келажагини ва уни ривожланиш тенденцияларини белгилайдиган ушбу долзарб масалалар ҳанузгача маҳаллий тадқиқотларда етарлича ўз аксини топмаган. Ушбу соҳадаги ишлар доираси ҳозирда фақат бир нечта мақолалар ва тўпламлар билан чекланган[5].

Айни пайтда, шуни таъкидлаш керакки, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида олий таълимнинг глобаллашуви муаммолари аллақачон фаол ўрганилмоқда. Хорижда бу мавзудаги фундаментал илмий

тадқиқотларга турли мамлакатлар олимларидан иборат жамоалар жалб қилинган, усул ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ва комиссиялар тузилмоқда, ЮНЕСКО томонидан турли лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда[6].

Бинобарин, МДХ давлатлари миқёсида Россия олимлари томонидан салмоқли назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунини таъкидлаш керакки, Россия олимлари (В. Садовничий, В. Солдаткин, П. Ларионов, Г. Лукичев, М. Акулич, С. Тарасова, В. Борисов, А. Слепукхин, Ю.Дусь ва бошқалар) мамлакат олий мактабининг жаҳон таълим маконига қўшилиш жараёнини тайёрлашда фаол иштирок этиб, таълимни глобаллашувига ва халқаролашувига ўз муносабатларини билдирганлар[7]. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари олимлари томонидан тўпланган илмий салоҳият алоҳида эътиборга лойиқ (П. Скотт, Г. Макбурни, З. Бауман, Г. Фридман, Ф. Ризли, А. ва С. Люк. Ж. Томлинсон, Ж. Закари, Ф. Альтбах, Х.де Вит, Д. Салми ва бошқалар)[8]. Уларнинг асарларида “олий таълимнинг глобаллашuvi” концепцияси атрофида гуруҳланган кўплаб асосий масалалар ёритилган, масалан: олий таълимни халқаролаштириш, унификациялаш (уйғунлаштириш) ва стандартлаштириш, трансмиллий таълимни ривожлантириш, жаҳон даражасидаги университетларни шакллантириш, таълим хизматлари учун халқаро бозорни яратиш ва унда рақобатнинг кучайиши, миллий таълим тизимларини ўзига хос жиҳатларини йўқолиб бориши таҳдиди ва ҳоказо.

Кўплаб тадқиқотчиларни таъкидлашча, глобаллашув қийин ва зиддиятли жараёндир, шунини айтиш керакки, олий таълим соҳаси шу қадар ўзига хос ва мураккабки, унга нисбатан турли мамлакатлар олимлари ўртасида ҳатто халқаролашув ва глобаллашув каби фундаментал тушунчаларни тавсифлашда ҳали ҳам бирлик мавжуд эмас; уларнинг олий таълим ривожига таъсирини баҳолашда яқдиллик йўқ. Глобалист либераллар (Ф.Ризви, М. Акулич .Г.Элдерман) илмий дунёни глобаллашув муқаррар, объектив зарурат ва инсоният олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш

учун зарур эканлигини таъкидламоқда. Олий таълимдаги глобаллашув жараёнлари эътироф этилган афзалликларга эга бўлиб, улар ўзаро манфаатли таълим хизматлари савдоси кўламини кенгайтириши, илғор технологияларнинг тарқалиши, рақобатнинг кучайиши ҳамда сифат стандартларини жорий қилиниши, аввалги миллий изоляция қолдиқларини йўқ қилиниши ва ҳоказоларда намоён бўлади. Европада кенг тарқалган Болония жараёни ҳам глобаллашув жараёнларининг ижобий таъсирининг ёрқин тасдиғидир[9].

Грант Макбурни глобаллашувни олий таълим сиёсатининг асосий ва янги парадигмаси (моделли) деб ҳисоблайди. Ушбу тадқиқотчилар глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари ва истиқболларини таъкидлаб, глобаллашув жараёнига қўшилган минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътибордан четда қолдириб уларнинг бой маданияти ва миллий ўзлигини йўқотиш хавфи борлигини инобатга олмайдилар.

Антиглобалистлар, аксинча, глобаллашувнинг бугунги кунда намоён бўлаётган салбий оқибатларига, дастлабки даврда, кўплаб ривожланаётган давлатлар университетларининг ушбу жараёнга тайёр эмаслиги ва иштирок этишни истамаслигига эътибор қаратдилар. Кўпгина муаллифлар (М.Интрилигейтор, Г. Мартин, А. Панарин, Х. Шуманн) глобаллашув жараёнларининг жамиятда шаклланган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий механизмларни йўқ қиладиган ва шу билан олий таълим тизимини бузадиган ҳалокатли ролини қайд этадилар[10]. Айни пайтда, таълимдаги трансчегаравий, ва миллий хусусиятларни инкор этадиган жараёнлар фақат бузғунчи омиллар сифатида қабул қилинмоқда ва маҳаллий ва глобал жараёнларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бойиши ҳисобга олинмаяпти.

Бизнингча, иккала қараш ҳам бир томонлама ва чекланган. Ҳозирги босқичда глобаллашувни, бир томондан, миллий университетларга бир қатор жиддий муаммо ва талабларни қўяётган , иккинчи томондан, уларга келажакни шакллантиришда кучли имкониятларни тақдим этаётган жараён сифатида қараш, янада объектив ва диалектик ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Агар олий таълимнинг глобаллашувини зиддиятли тенденция деб карасак, унда унинг мутлақо қарама-қарши жиҳатлари ва оқибатлари ўзини намоён қилади, бу биринчи навбатда таълимни бизнес турларидан бирига айланиши билан боғлиқ. Таълим дастурлари иштирокчилари ва провайдерларнинг тижорат мақсадларида ёки фойда олиш учун чегараларни четлаб ҳаракати кенгайиб бормоқда ва бу муаммо Хизматлар савдоси бўйича Бош битим (General Agreement on Trade in Services of the World Trade Organization 1995) тузилиши муносабати билан янги динамика ва аҳамият касб этди. Хизматлар савдоси бўйича Бош битим доирасида таълим ўн иккита асосий хизматлардан бири, олий таълим эса таълимнинг бешта кичик бўлимларидан биридир[11].

Шуни айтиш каеракки, глобаллашув шароитида таълим муассасалари бозор муносабатларига жалб қилинмоқда ва трансмиллий таълим провайдерлари томонидан бозор рақобатининг қатъий қоидаларини бошдан кечира бошладилар (McBurnie.G, Pollock.A, Лукичев.Г)[12].

Айрим тадқиқотчилар (Brunch T., Barty A) глобал ахборот технологиялари тармоқларидан фойдаланадиган инновацион таълим тузилмалари анъанавий университетларга қараганда анча самарали ва тежамкор тренинглар ўтказиши мумкинлигига эътибор қаратмоқдалар[13]. Охирги йилларда ва бутун дунёни қамраб олган пандемия даврида масофавий таълим барча давлатларда кенг тарқалди ҳамда жаҳон таълим маконида муҳим аҳамият касб этди. Шу муносабат билан замонавий социологлар (Ф.Кумбс, Б.Риддингс) миллий(анъанавий) университетларнинг эртанги кунига ишончсизлик билан қарамоқдалар ва шу ҳақида фикр юритиб, университет таълимининг таназули ва охир оқибат инқироzi ҳақида ўта кескин башорат қилмоқдалар[14].

Бинобарин, бошқа тадқиқотчилар (Г. Макбурни, М. Карпенко, А. Богданов) янги таълим моделларининг пайдо бўлиши ҳеч қандай тарзда анъанавий университетларнинг мавқеини тушиб бораётганини англатмайди, деб ҳисоблашади.Аксинча, уларга янги шароитда глобаллашув даври келажак

авлодини шакллантиришга қаратилган таълим компонентларини янада ривожлантириш ва кўп асрлик университет тажрибасини ташкил этадиган унинг таркибий қисмларига эътибор қаратиш имконияти яратилади[15].

Шундай қилиб, олий таълимнинг глобаллашуви таълим моделлари плюрализмига қаршилик қилмасдан, аксинча, унинг замон талаблари асосида ривожланишига ва таълим жараёнига инновацияларни жорий қилишга йўл очиб берди.(Г. Миненков)[16].

Бугунги олий таълимга хос бўлган барча хусусиятларни камраб олишга ҳаракат қилиб, кўплаб олимлар (С. Маргинсон, Waslander, S., С. Pater and M. van der Weide) “университет-корхона” атамасидан фойдаланадилар. Ушбу концепция иқтисодий ва академик ўлчовларни ўз ичига олади. Университетлар халқаро фаолият доирасида даромад олишдан (шу йўл билан давлат томонидан қўллаб-қувватлашга боғлиқликни камайтиришдан) ҳамда халқаро таълим хизматлари бозорида уларнинг обрўси ва рақобатбардошлигини оширишдан бир хил даражада манфаатдор эканлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий университетларнинг ҳаётийлиги нафақат янги технологияларни жорий этиш, балки бозорнинг рақобат қоидаларига бўйсунishi ва ўз самарадорлигини ошириши билан боғлиқ.[17]. Бу, ўз навбатида, таълим хизматлари сифатини таъминлаш муаммоларини биринчи ўринга олиб чиқади. Бугун ва келажакда университет таълими сифати масаласи мутахассислар (Ф. Алтбах, Д. Салми) томонидан кенг муҳокама қилинадиган мавзу ҳисобланади. У бир қатор муҳим жиҳатларни ўз ичига олади: таълим ҳужжатлари ва касбий малакаларни ўзаро тан олиш, университетларнинг халқаро аккредитацияси, ўқув режалари ва дастурларининг таққосланиши, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий малакаси ҳамда уларни йўналишини ўзгартириш, миллий ва халқаро сифатни таъминлаш тизимларини яратиш, интеллектуал ресурсларнинг ҳаракатчанлигини ошириш ва бошқалар[18].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, глобаллашув жараёнлари бугунги кунда барча давлатларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда ва шу жумладан Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнларига тортилган. Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар биринчи навбатда Ўзбекистон университетларининг глобал таълим маконига интеграциялашувига ва таълим сифатини замонавий талабларга мос бўлишига қаратилган бўлиб, бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди. Замон талабларига жавоб берадиган янги олий таълим тизимини барпо этишда Ўзбекистон диалектика тамойиллари асосида, яъни эскини янгиси томонидан йўқ қилиш орқали эмас, балки давомийлик орқали амалга ошириш йўлини танлади. Ҳар бир миллий тизим, ҳар бир университет ўзининг афзалликлари, ютуқлари ва устуворликларини сақлаб қолиши муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим маконидаги ўзгаришларга кўр-кўрона тақлид қилиш миллий таълим тизимининг ўзлигини йўқотишига ва ижодий салоҳиятини камайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон олий таълим тизимида мустақиллик йилларида амалга оширилган трансформацион жараёнлар натижасида замонавий миллий таълим ва маданий анъаналарига асосланган илғор хорижий тажрибани жорий қилишга тайёр олий мактаб шаклланди. Охириги йилларда Харакатлар стратегияси асосида мамлакат олий таълим тизимида туб ўзгаришлар руй берди. Халқаролашув ва глобаллашув жараёнлари олий таълимда ўзини намаён қила бошлади. Ўзбекистоннинг олий таълим маконига интеграциялашuvi тезлашди ва Болония жараёнини айрим элементларини кенг кўламда жорий қилиниши ўзини натижаларини бера бошлади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистоннинг иккита олий ўқув юрти дунёнинг энг нуфузли университетлари TOP-1000 талигидан ўрин олди. Рейтингда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети 547-ўрин ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети 781-790-ўрин билан муносиб

жой эгаллади[19]. Ўзбекистон университетлари олдида глобаллашув даврида хали ўз ечимини кутаётган кўплаб ўта мураккаб вазифалар турибти. Олий таълим соҳасидаги тизимли ислохотлар 2030 йилга келиб албатта ўз натижасини беради.

CHOCKI / IQTIBOSLAR / REFERENCES

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Фармони <https://lex.uz/docs/4545884>
3. Абдурахманов Г.А. Высшая школа Советского Узбекистана. - Т., 1977; Валиев А.К. Развитие высшего образования в Узбекистане в послевоенные годы (1946 – 1955 гг.), - Т., 1956; Насриддинов Ф. Развитие высшего образования в Узбекистане (1959 – 1965 гг.) – Т., 1968; Пулатов С. Высшее и среднее специальное образование Узбекистана за 60 лет. – Т., 1984; Садыков С.С. Очерки развития высшего образования в Узбекистане. – Т., 1986; Халбаев С. Становление и развитие университетского образования в Узбекистане (1918 – 1928 гг.) - Т.. 1974; Шарипов Ф. Развитие высшего образования в Узбекистане. – Т., 1977.
4. Аллаев Л. Содействие реформированию системы высшего образования в Узбекистане. – Т., 2000; Ахлиддинов Р.Ш., Саидов М.Х. Управление образованием в Узбекистане. – Т., 1999; Васиева Д.И. Формирование и развитие университетского образования в Узбекистане в годы независимости. //Автореф .дисс. канд. ист. наук. – Т., 2008; Исманов М.А. Менеджмент и инновации современного профессионального образования. – Т., 2000; Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Т., 2001.

5. Муртазаева Р.Х. Университетское образование в Узбекистане в условиях глобализации. //В сб. «Мамлакатимиз олий таълими тизими ва илм-фани ривожда Узбекистон Миллий университетининг роли» мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Т., 2008; Курбанов Ш, Сейитхалилов Э. Ответственность образования в предупреждении и преодолении вызовов современности. – Т., 2003; Исматиллаева Г. Глобаллашув жараёни ва миллий таънавият. – «Таълим тизимида ижтимои гуманитар фанлар», 2008, № 3. Рузикулова М. Ю. „Рауфжонова. З.Т. Глобаллашув даврда фан ва таълимнинг долзарб масалалари // Молодой ученый. — 2017. — № 4.2 (138.2). — С. 44-47. — URL: <https://moluch.ru/archive/138/38939/> (мурожат қилинган : 25.05.2024). Жумаев Ш., Сиддиқов Л.Б. глобаллашув даврида таълим-тарбия. Моҳияти ва педагог-ўқитувчилар масъулияти.// Замонавий таълим / современное образование 2016,5.42-47 бетлар. Олий таълим ислохотлари: ютуқлар,Муаммолар, ечимлар Республика илмий-амалий анжумани 2019 йил 25-26 октябрь. Анжуман материаллари тўплами,2019.-343б.“Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайнхалқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 163 б.Элмуродов .Э Глобаллашув жараёнининг олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати таъсири: Ўзбекистон мисолида <https://zenodo.org/records/10045947>(мурожат қилинган : 25.05.2024).

6. Higher Education in a Globalized Society UNESCO Education Position Paper © UNESCO 2004.(ED2004/WS/33)

7. Акулич М.М. Образование в условиях глобализации. - М., 2005; Дусь, Ю. П. Интеллектуальная колонизация. Миграционные перспективы присоединения Российской Федерации к Болонскому процессу. – М., 2006; Ларионов П.В. Высшее образование в контексте процессов глобализации и интернационализации. - Уфа, 2008; Лукичев Г. А. Трансграничное образование. – М., 2004; Мазур И.И. Глобалистика. Межд. междисп.

энциклоп. словарь. - М., СПб., Нью-Йорк, 2006; Садовничий В.А. Университеты России в XXI веке: замысел программы. – М., 2002; Слепухин А.Ю. Глобализация высшего образования: социальные противоречия и тенденции. - М., 2005; Солдаткин В.И. Глобализация высшего профессионального образования. – М., 2006 ; Тарасова С.В. Поиск путей реформирования высшей школы России в условиях глобализации. - М., 2007.

8. Scott P. Massification, Internationalization and Globalization // The Globalization of Higher Education. Buckingham, 1998; Scott P. The Globalization of Higher Education. – Buckingham, 1998; Tomlinson G. Globalization and Culture. – Cambridge, 1999; Gallagher M. Corporate Universities: Higher Education and the Future. – Sydney, 2000; Burdules N.C., Torres C.A. Globalization and Education: Critical Perspectives. – New York, 2000; Lechner F.J. The Globalization Reader. – Oxford, 2000; Like A., Luce C. A Situated Perspective on Cultural Globalization. – New York, 2000; Rizvi F. International and the I Production of the Global Imagination. - New York, 2000; Макбурни Г. Глобализация: новая парадигма политики высшего образования/ Пер. с англ. – М., 2001; Alderman G. The Globalization of Higher Education: Some Observations Regarding the Free Market and the National Interest. Higher Education in Europe. 2001. Vol. XXVI, „ 1. - 47-52; Peach M. Globalization of Education in Spain: from Isolation to Internationalization to Globalization. Higher Education in Europe. 2001. Vol. XXVI, „ 1.-. 69-76. Стиглиц Дж.Ю. Глобализация: тревожные тенденции / Пер. с англ. – М., 2003; Bauman Z. Globalization: The Human Consequences. – Cambridge, 2004; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций / Пер. с англ. – М., 2005; Duderstadt J.D. Transforming the University to Serve the Digital Age. – Oxford, 2005; Ziguras Q. The Regulation of Transnational Higher Education in Southeast Asia. – Melbourne, 2005; Фридман Г Основные проблемы и пути решения вопросов глобализации образования / Пер. с англ. – М., 2006; Friedman G. Unloking the Global Education Imperative Core Challenger & Critical Responses. – London,

2007; Zachary G.P. The Global Me: Why Nations Will Succeed or Fail in the Next Generation. – St. Leonards, 2008. Van Damme, D. “Higher Education in the Age of Globalization” в UNESCO/IAU (2002) Globalization and the Market in Higher Education: Quality, Accreditation and Qualifications.; Jamil Salmi. The Challenge of Establishing the World Class Universities ©2009 by The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank; .Altbach Philip G. Why branch campuses may be unsustainable. February 28, 2010: [URL] <http://www.universityworldnews.com> De Wit H. Trends and Drivers in Internationalization. March 20, 2011: [URL] <http://www.universityworldnews.com/article.php?story=20110318125131371>

9. Анализ мировых тенденций развития научно-образовательной деятельности: Аналитический обзор / Е. В. Вашурина, Н. В. Дрантусова, Я. Ш. Евдокимова, И. А. Майбуров. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2006. С– 12.

10. Интрилигейтор М.Д. Глобализация как источник международных конфликтов и обострения конкуренции // Проблемы теории и практики управления. 1998. №6. С. 38-43; Панарин А.С. Искушение глобализмом. М.: Русский издательский дом, 2000.; Мартин Г.П., Шуманн Х. Западная глобализация. Атака на процветание и демократию /Пер.с нем. М.:Изд.дом «Альпина», 2001.

11. Higher Education in a Globalized Society UNESCO Education Position Paper © UNESCO 2004.(ED2004/WS/33).P.8. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000136247>

12. McBurnie G., Pollock A. Opportunity and Risk in Transnational Education – Issues in Planning for International Campus Development: An Australian Perspective. Higher Education in Europe, vo. XXV, # 3, 2000, p.333-345;. Лукичев Г.А. Трансграничное образование// Высшее образование сегодня.2004.№4.С71-75; Анализ мировых тенденций развития научно-образовательной деятельности: Аналитический обзор / Е. В. Вашурина, Н. В.

Дрантусова, Я. Ш. Евдокимова, И. А. Майбуров. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2006. –С 13-14.

13. Brunch T., Barty A. Contemporary Transformations of Time and Space. In: Scott P. The Globalization of Higher Education. The Society for Research into Higher Education and Open University Press. 1998.

14. Кумбс, Ф. Кризис образования в современном мире: Системный анализ / Пер. с англ. С. Л. Володиной [и др.] . - Москва : Прогресс, 1970. - 261 с. :Ридингс,Б. Университет в руинах.-Минск: БГУ,2009.-248с.

15. Макбурни Г. Рычаги глобализации как политическая парадигма высшего образования//Высшее образование в Европе. 2001.Т.XXVI.№1. Карпенко М.П. Перспективы развития системы высшего образования в XXI веке // Знание. Понимание. Умение. – 2006. – № 2. – С. 80–85. <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-razvitiya-sistemy-vysshego-obrazovaniya-v-xxi-veke>; Богданов А.И. Эволюция идеи университета: прошлое, настоящее, будущее. URL: <https://www.science-education.ru/pdf/2015/1/1598>. pdf (дата обращения 11.05.2024).

16. Миненков Г. Университет в современном мире: вызовы и возможные ответы//Информационный бюллетень.1999/<http://newsletter.iatp.by/ctr6-12.htm>.

17. Marginson S. Markets in education Centre for the Study of Higher Education University of Melbourne Allen and Unwin Sydney, 1997.,P 398; Waslander, S., C. Pater and M. van der Weide (2010), “Markets in Education: An Analytical Review of Empirical Research on Market Mechanisms in Education”, OECD Education Working Papers, No. 52, OECD Publishing. doi: 10.1787/5km4pskmkr27-en <https://www.oecd.org/education/ceri/47229500.pdf>

18. Jamil Salmi. The Challenge of Establishing the World Class Universities ©2009 by The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank; .Altbach Philip G. Why branch campuses may be unsustainable. February 28, 2010: [URL] <http://www.universityworldnews.com>

19. “QS World University Rankings-2025” [https:// www.topuniversities.com/
world-university-rankings](https://www.topuniversities.com/world-university-rankings)